


ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКАДА ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАР ТУШИНЧАСИ ТУЗИЛИШИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Тошбеков Ҳайитмурод Ислон ўғли

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7804613>

Қурол — бу физикавий, кимёвий ва биологик таъсирни таъминловчи, ҳужум қилиш ва фаол ҳимоя қилиш воситаси, яъни, душманнинг жонли кучлари ва жанговар техникасини йўқотиш ёки сафдан чиқариш воситасидир. Стандарт ўқотар қуроллар билан биргаликда, портловчи қурилмаларга ҳам тааллуқли бўлган қўлбола усулда тайёрланган турли мослама ва қурилмалар ҳам тадқиқ қилинади. Демак, ушбу турдаги экспертизаларни ўтказувчи экспертлар ўқотар қуролларнинг тўлиқ тавсифини билишлари ва уларга доир етарлича тўлиқ таърифларга эга бўлишлари лозим. Барча қуролларнинг таъсир қилиш ёки энергия манбаларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: ядровий, кимёвий, бактериологик, минали портловчи, совуқ, отувчи. Бундан ташқари, қуроллар артиллерия, отилувчи мосламалар ва ўқотар қуролларга ажратилади. Суд баллистик экспертизаси артиллерия қуролларини тадқиқ этиш билан шуғулланмагани учун (чунки, бундай қуроллар жиноят ишларида умуман учрамайди) отилувчи мосламалар ва ўқотар қуролларни кўриб чиқамиз. Отилувчи мосламалар — стволдан снаряднинг отилиши порох газларининг кимёвий парчаланишида ҳосил бўладиган энергия, сиқилган ҳаво, газ баллон, механик, электр энергияси таъсирида юз берадиган ҳамда таркибига тўппончалар, винтовкалар, пулемётлар ва уларнинг кўплаб турларини олувчи милли, отувчи қуроллар йиғиндиси. Ўқотар қурол — портловчи моддаларнинг (масалан, порохнинг) кимёвий парчаланишидан ҳосил бўладиган энергия ёрдамида отиладиган ва белгиланган йўналишдаги нишонни, етарлича зарар етказувчи кучга эга бўлган снаряд (ўқ, сочма ўқ, картеч) билан шикастлашга мўлжалланган кўп марта ишлатилувчи механик қурилма¹. У снарядни отиш учун, отиш вақтида бир томони зич ёпиладиган ёки ёпиқ бўладиган ҳамда жанговар зарядни ёндирувчи қурилма (ёндиргич-капсюл) билан механик боғлиқ мустақкам стволга эга бўлиб, ана шу стволни бир томонини (одатда, орқа кесимини) зич ёпувчи мослама (ёпиш механизми) ва жанговар зарядни ёндирувчи мосламани ишлатиш учун мўлжалланган қурилма (отувчи механизм)ларининг мавжудлиги билан тавсифланади.



¹ Норбутаев, Эркин Хуროзович. "Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили." *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali* (2022): 56-60.


1–расм. 1895 йил намунали, 7,62 мм калибрли «НАГАН (NAGANT)» русумли револьвер :1–ствол; 2–рамка; 3–барабан; 4–сақловчи ҳалқа; 5–тепки; 6–қўйиб юборувчи илмоқ; 7–ёнбош қопқоқ; 8–дастанинг юзачаси; 9–шомпол бошчаси; 10–шомпол трубкаси; 11–ствол орқаси; 12–барабан ўқи; 13–мушка; 14–ҳалқа.

Ўқотар қурол учта мезонга мос келиши керак, яъни қуйидаги учта хоссага аниқ эга бўлганда, уни ўқотар қурол деб айтиш мумкин: 1) ўқотарлик; 2) қуроллик; 3) ишончлилик. Ўқотарлик.

— снарядни отиш учун портловчи моддаларнинг ёнишидан ҳосил бўлган энергиянинг ишлатилиш принципи.

Қуроллик.

— мақсади жиҳатидан шикаст етказишга мўлжалланганлиги, объектнинг тузилиши ана шу мақсад учун яроқли бўлиши. Объектнинг тузилиши учта тугундан иборат бўлиши керак: ствол, ёпувчи ва отувчи механизм ҳамда ўқнинг етарли зарар етказувчи кучининг мавжудлиги. Ўқнинг зарар етказувчи кучи ўқнинг калибрига боғлиқ. Масалан, 5,6 мм калибр учун 100 м\с бошланғич тезлик ва ўқнинг бошланғич тезлиги — 1,1 кгм, 9 мм калибр учун эса — 3 кгм бўлади.



2–расм. 1933 йил намунали, 7,62 мм калибрли, «ТУЛЬСКИЙ —ТОКАРЕВА» (ТТ) русумли тўппонча:1–ствол; 2–кожух–затвор; 3–рамка; 4–тепки; 5–қўйиб юборувчи илмоқ; 6–затвор тутгичи; 7–қайтарувчи пружинанинг пойнаги; 8–арикча; 9–қулоқча; 10–магазин қопқоғи; 11–затвор тутгичи тишининг ўқи; 12–чап юзача; 13–ушлагич арикчаси; 14–мушка; 15–мўлжаллагич.

Ишончлилик — қуролдан фойдаланишда унинг тавфсизлиги ва камчиликларсиз ишлаши. Ишончлилик заводда тайёрланган ҳарбий, ов ва спорт қуроллари учун албатта зарур². Атиптик ва қўлбола усулда тайёрланган қуроллар учун ишончлилик факультатив аҳамиятга эга. Заводда тайёрланган қуроллар, ҳатто уларда механик

² Норбўтаев Э., Таджиев Э. Муқаддам судланган шахсларни қайта тарбиялашда ички ишлар органларининг роли //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 16-19.

носозликлар ёки улар отиш учун яроқсиз бўлса ҳам, қурол бўлиб қолаверади.³ Шундай қилиб ҳужум қилиш ва фаол ҳимояланиш учун мўлжалланган, нишонга, портловчи моддаларнинг ёнишидан ҳосил бўлувчи газларнинг энергияси ёрдамида стволканалидан отилиб чиқувчи снаряд билан жароҳатловчи, етарли зарар етказувчи кучга эга бўлган ва тузилишига кўра биттадан ортиқ ўқ отишга яроқли қурилмалар ёки мосламалар ўқотар қурол ҳисобланади.



3–расм. 7,62 мм калибрли, КАЛАШНИКОВ конструкцияли(АК–47) автомат:1–ствол; 2–ствол қутиси; 3–ствол қутисининг қопқоғи; 4–қундоқ; 5–даста; 6–магазин; 7–даста; 8–газ трубкаси; 9–газ камораси; 10–мўлжаллагичколодкаси; 11–ствол қутиси қопқоғининг туйнуғи; 12–қайта ўқлаш дастаси;13–сақловчи ҳалқа; 14–қуйиб юборувчи илмоқ; 15–ўтказгич 16йўналтирувчистерженнинг бўртиғи; 17мўлжаллагич асоси; 18–компенсатор; 19–антабка; 20–шомпол; 21–найза пичоқ.


Заводда тайёрланган қуроллар, ҳатто уларда механик носозликлар ёки улар отиш учун яроқсиз бўлса ҳам, қурол бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, билишнинг турли соҳаларида, хусусан криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида тўпланган билимларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ўқотар қурол деб

— ҳужум қилиш ва фаол ҳимояланиш учун мўлжалланган, нишонни портловчи модда (порох)нинг ёнишидан ҳосил бўлувчи газларнинг энергияси ёрдамида ствол каналидан отилиб чиқувчи снаряд билан шикастловчи, етарли зарар етказувчи кучга эга бўлган ва тузилишига кўра биттадан ортиқ ўқ отишга яроқли қурилмалар ёки мосламаларга айтилади. Ушбу таърифга асосан, у ёки бу объектни ўқотар қуроллар туркумига тааллуқлилиги ҳақидаги масала ҳал этилади⁴.

³ Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

⁴ Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.



4–расм. 9 мм калибри, «МАКАРОВ» конструкцияли (ПМ) тўппонча: 1–ствол; 2–затвор; 3–рамка; 4–тепкининг бошчаси; 5–қуйиб юборувчи илмоқ; 6–сақловчи ҳалқа; 7–даста; 8–затвор тутгичи; 9–сақлагич; 10, 11–мўлжаллагичлар; 12–магазин қопқоғи; 13–ушлагич ариқчаси; 14–антабка

Текширилаётган буюмни ўқотар қуроллар туркумига тегишлилиги ҳақидаги саволга жавоб беришда суд баллистик экспертизасининг методикаларига асосланиш лозим. Хусусан, текширилаётган буюмни ўқотар қуроллар туркумига тааллуқлилиги ушбу объектнинг мўлжалланган мақсади ва уни ана шу мақсад бўйича ишлатиш имкониятини таъминловчи баллистик (энергетик) хусусиятларини ифдаловчи барча таркибий қисмларини тадқиқ қилиш натижаларига ҳамда учта турдаги белгилар гуруҳи — тузилишига оид, снарядларнинг энергетик хусусиятлари ва ишончлилиқ белгиларига кўра аниқланади.

Суд баллистик экспертиза — қонунда белгиланган процессуал шаклда тегишли эксперт ҳулосасини расмийлаштириш билан, тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси жараёнида ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва уларнинг ишлатиш излари ҳақида илмий асосланган маълумотларни олиш мақсадида ўтказиладиган махсус экспертиза тадқиқотларидир⁵. Суд экспертизасининг моҳиятини очиб берадиган асосий элементлардан бири унинг предмети⁶. Суд экспертизаси назариясида унинг предмети сифатида кўриладиган жиноят (фуқаролик) иши материалларини махсус илмий билимлар асосида ўрганиш ва текшириш жараёнида аниқладиган маълумотлар (фактлар, шарт-шароитлар) деб таъкидланади. Экспертизанинг предмети экспертиза тадқиқотларининг объектлари ва терговчи (суд)нинг эксперт олдига қўядиган саволлар билан аниқланади. Шундай қилиб, суд баллистик экспертизасининг махсус билимларнинг ўзига хос мажмуи сифатидаги предмети бўлиб судга оид баллистика ҳисобланса, унинг амалий фаолият сифатидаги предмети бўлиб, ушбу турдаги экспертиза ёрдамида аниқладиган барча маълумотлар (фактлар, шарт-шароитлар) ҳисобланади.

⁵ Оппоқхонов А. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда 3д сканнер имкониятларидан фойдаланишда халқаро тажриба //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 16-19.

⁶ Таштемиров, Анвар Аликулович, and Сайдулла Аймаханович Калауов. "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати." *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali* 2.8 (2022): 245-250.

Профилографик метод турли излар сиртидаги микро нотекисликларнинг ёнбош суратини таққослаш ва профили микроскоплар, профилметр–профилографлар ёрдамида суратга олиш. Бу усул микро нотекисликларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш учун қулайдир. Бу усул ўқ ва гильзаларнинг сиртидаги изларни ўрганиш учун ишлатилади. Бир қатор тадқиқотларда физикавий ва кимёвий тадқиқот методлар қўлланилади, жумладан, қуролнинг ствол канали охириги марта тозаланганидан кейин ундан ўқ отилган–отилмаганлигини аниқлаш, қуролдан отилган снаряд материали зарраларининг кимёвий таркибини ўрганиш учун модда таркибини аниқлашнинг кимёвий методлари, ствол канали тозаланмасдан туриб отилган ўқлар миқдорини аниқлаш, портловчи моддаларни аниқлаш (жумладан, порохлар, капсюлларни қўзғатувчи моддалари), гумон қилинувчини қўлларида ўқ отилиши билан боғлиқ маҳсулотларни топиш учун снаряд материалининг кимёвий таркибини аниқлаш ва бошқалар. Диффузион–контактли метод ўқ отилишидан ҳосил бўлган жароҳатлар ва ишқаланиш ҳалқалари атрофида вужудга келадиган ўқ отилиш маҳсулотлари таркибидаги металлларни аниқлашнинг кимёвий усули. Бу усул ёрдамида ўқ тегишидан ҳосил бўлган жароҳатга ўтириб қолган, ўқ қобиғи таркибига кирувчи мис, қўрғошин каби металллар ва ўқнинг отилиш масофаси аниқланади. Ўқ отилиши маҳсулотлари

— ўқотар қурол стволидан ўқ отилишида отилиб чиқадиган моддалар тўплами. Бу моддаларга мойлаш материаллари, порох ёнишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар (тутун, қурум), ўқ қобиқлари, асосларининг, капсюлларнинг майда зарралари ва ҳоказолар киради⁷. Ишқаланиш ҳалқаси ўқ сиртининг нишон (материал, ёғоч, металл ва ҳоказолар)да ўзи ҳосил қилган жароҳат четлари билан таъсирлашиш изларидир. Ишқаланиш ҳалқасида ўқ қобиғи таркибига кирувчи металллар, мойлаш материаллари қолдиқлари, ўқ отилиш маҳсулотлари ўтириб қолади. Диффузион–контактли метод текширилаётган объект сиртидаги эритилган металл ионларни олдиндан тайёрланган ва шу объект билан таъсирлашувчи (ўзаро маҳкам бирлаштириш оқибатида) объект билан (масалан, реактивда ишлов берилган фотоқоғоз) диффузияланишига асосланган. Бу метод ўқ отилиши жароҳатлари соҳасида мис, қўрғошин, темир ва бошқа металлларни аниқлайди. Металлларнинг ўтириб қолиши соҳаси ва интенсивлиги мавжуд бўлган ҳолларда жароҳатнинг келиб чиқиши ҳамда ўқнинг отилиш масофаси тўғрисида фикр юритиш мумкин. Хроматографик метод аралашмаларнинг сорбцион ажралишининг физикавий–кимёвий методидир⁸. Бу метод уч турга: адсорбцион, ион алмашувчи ва қолдиқли хроматографияларга бўлинади. Аниқлик даражаси 10–5— 0–12гр, хроматографик метод судга оид баллистикада қуролдан ўқ отилиш фактлари, порохларнинг маркаси, уларнинг идентификация қилиш ва бошқа вазифаларни ҳал этишда ишлатилади. Спектрал таҳлил унинг спектрларини ўрганишга асосланиб, модданинг таркибини аниқлайди. Бу таҳлилнинг

⁷ Оппоқхонов А. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари // Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 4-11.

⁸ Маҳмудходжаева У. М. Болаларнинг оилавий–ҳуқуқий мажбуриятларини тартибга солишни такомиллаштириш масалалари // Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 199-207.

қўйидаги турлари мавжуд: а) эмиссион-спектрал таҳлил — элементлар таркибини ёйсимон электр заряди таъсири остида, спектр чиқаришнинг физикавий методи ёрдамида аниқлайди. Судга оид баллистикада ўқларнинг таркибини кириш ва чиқиш жароҳатларини аниқлашда ва ҳоказоларда ишлатилади. Элементларни аниқлаш чегараси 0,05 — 100 мкг/мл; б) абсорбцион таҳлил — бу методда модданинг таркиби муайян соҳада ёруғликнинг ютилиш спектрлари бўйича аниқланади. Бу таҳлилнинг ўзи ҳам иккига: атомли ва молекуляр таҳлилларга ажралади;

— тўлқин узунлиги ўзгарувчан монохроматик нурланиш ҳосил қилувчи модда молекулаларини текширувчи комбинацион сочилган спектрлар бўйича таҳлил;

— люминесцент таҳлил

— модданинг кимёвий таркиби люминесценциянинг спектрал таркибини ўрганиш йўли билан аниқланади;

— рентген таҳлили — модданинг таркиби рентген нурлари спектрлари бўйича аниқланади;

Рентген тузилишли таҳлил кристалл тузилишга эга бўлган моддаларнинг рентген нурларини сочишига асосланган. Бу метод, масалан, бир кимёвий таркибга эга бўлган, лекин турли таъсирларга дуч келган (термик, механик ва ҳоказо) икки металл заррачаларининг фарқини аниқлашда ишлатилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, экспертиза вазифаларини ҳал этиш учун қўлланиладиган ҳар қандай методлар бутун экспертиза жараёнини ифодаламайди. Бошқача айтганда, экспертиза тадқиқотларини, бу тадқиқотлар жараёнида қўлланиладиган методларнинг турларига кўра босқичларга ажратиб бўлмайди⁹. Чунки суд баллистик экспертиза кетма-кетлик тартиби ўзгариб турадиган қўйидаги бир неча тадқиқот босқичларидан иборат:

— дастлабки тадқиқотлар;

— алоҳида тадқиқотлар;

— таққослаш тадқиқотлари ва эксперимент;

— ўтказилган тадқиқотлар натижаларини криминалистик баҳолаш ва якуний хулосаларни шакллантириш;

— якуний хулосалар чиқариш ва экспертиза материалларини расмийлаштириш.

Тадқиқотларни бу каби босқичларга ажратиш экспертнинг экспертиза ўтказиш жараёнида бажарадиган ишларининг моҳиятидан келиб чиқади. Дастлабки икки босқич тадқиқот бўйича ишларга тегишли. Экспертиза тадқиқотлари жараёнида ушбу беш босқичнинг барчаси босиб ўтилиши шарт эмас, баъзида дастлабки тадқиқотларнинг ўзи якуний босқич ўлиб қолиши мумкин¹⁰. Масалан, экспертизага қўйилган саволга биринчи тадқиқот босқичининг ўзидаёқ салбий жавоб берилиши ёки бу саволга жавоб беришнинг имкони йўқлиги тўғрисида якуний хулоса чиқарилиши мумкин. Алоҳида тадқиқотлар босқичи ҳам тадқиқот объектлари ва қўйилган саволларга бериладиган

⁹ Маҳмудходжаева У. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари //Юрист ахборотномаси. — 2022. — Т. 2. — №. 3. — С. 48-53.

¹⁰ ЯНГИБАЕВ А. К. УЧАСТИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ (ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА) //Право и жизнь. — 2016. — №. 10-12. — С. 118-130.

жавобларнинг аниқланишига қараб икки ёки уч қисмларга ажралиши мумкин: алоҳида тадқиқотлар ва эксперимент; алоҳида ва таққослаш тадқиқотлари; алоҳида тадқиқотлар, эксперимент ва таққослаш тадқиқотлари. Ягона асосга эга бўлмаган бу каби ажралиш экспертизага тақдим этилган объектларнинг миқдори, экспертизага қўйилган саволларнинг миқдори ва мазмунидан келиб чиқади. Масалан, экспертизага тақдим этилган бир дона объект — тўппончани тадқиқ қилиш ҳамда биргина вазифа — ушбу тўп-пончани ўқотар қуроллар туркумига тегишли эканлигини аниқлаш жараёнида, экспертиза юқорида таъкидланган босқичлар бўйича ўтказилади. Агар бир вақтда бир шахсдан олинган икки тўппончани тадқиқ этиш ва юқоридаги каби саволга жавоб бериш жараёнида эса икки эмас, балки бир экспертиза ўтказилади¹¹. Аммо, бу ҳолда энди икки алоҳида тадқиқот босқичи босиб ўтилади. Мазкур ҳолатда дастлабки тадқиқотлар босқичини ва асосан, экспертизанинг кейинги икки босқичи

— алоҳида тадқиқотлар ҳамда тадқиқотлар натижаларини криминалистик баҳолаш босқичларининг ҳар

бирини иккига бўлиб алоҳида ўтказилади. Экспертизага тақдим этилган бир неча объектларни, масалан, гильзаларни бир гуруҳга тегишли эканлигини аниқлаш зарур бўлганда ёки бу гильзаларга кўра қидириладиган ўқотар қуролни идентификация қилиш талаб қилинганда, ушбу гильзаларни алоҳида тадқиқ этилганидан кейин яна таққослаш тадқиқотлари ўтказилади. Агар, экспертизага тақдим этилган ўқотар қуролнинг¹² этиш учун яроқлилиги аниқланиши ёки ушбу қуролдан экспериментал ўқ этиш жараёнида таққослаш тадқиқотлари учун экспериментал намуналар олиш зарур бўлса, у ҳолда, алоҳида тадқиқотлар босқичи жараёнида эксперимент ҳам ўтказилади. Экспертиза вазифаларининг ва ушбу вазифаларни ҳал этишда қўлланиладиган методларнинг мазмун-моҳиятини билиш, муайян алоҳида тадқиқотларни ўтказиш методикалари ҳамда бир экспертиза доирасида бир неча саволларга жавоб бериш кетма-кетлиги ифодалангани учун ҳам зарур¹³. Жумладан, экспертиза олдида қўйилган саволларга жавоб бериш мақсадида, ўқотар қурол, патронларни ишлатиш имкониятларини аниқлаш ҳамда таққослаш тадқиқотларига намуналар олиш учун эксперимент ўтказиш талаб этилса, у ҳолда экспертиза вазифалари ва бу вазифаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган тадқиқот босқичларининг ўзаро боғлиқлиги, ушбу тадқиқотлар жараёнида қўлланиладиган методлар бўйича барча билимлар, экспертга ўз вақти ҳамда воситаларини тежаб, тадқиқотлар жараёнида бир нечта эмас, балки иргина эксперимент ўтказиш имконини беради. Ва ниҳоят,

¹¹ Қушбоқов, Ш. (2022). Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.

¹² Қушбоқов, Шохрух. "Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни." *Международная конференция академических наук*. Vol. 1. No. 27. 2022.

¹³ Янгибаев А., Махмудов И. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги роли // *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 119-122

экспертиза олдига қўйилган бир неча саволларга жавоб бериш тартибини билиш, ўз навбатида, экспертиза хулосасининг тузилишига ижобий таъсир кўрсатади.

References:

1. Норбутаев, Эркин Хурозович. "Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили." *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali* (2022): 56-60.
2. Норбўтаев Э., Таджиев Э. Муқаддам судланган шахсларни қайта тарбиялашда ички ишлар органларининг роли //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 16-19.
3. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
4. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
5. Оппоқхонов А. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда 3д сканнер имкониятларидан фойдаланишда халқаро тажриба //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 16-19.
6. Таштемиров, Анвар Аликулович, and Сайдулла Аймаханович Калауов. "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати." *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali* 2.8 (2022): 245-250.
7. Оппоқхонов А. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 4-11.
8. Маҳмудходжаева У. М. Болаларнинг оилавий-ҳуқуқий мажбуриятларини тартибга солишни такомиллаштириш масалалари //Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 199-207.
9. Маҳмудходжаева У. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш муаммолари //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 48-53.
10. ЯНГИБАЕВ А. К. УЧАСТИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ (ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.
11. Кушбоқов, Ш. (2022). Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.
12. Кушбоқов, Шохрух. "Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни." *Международная конференция академических наук*. Vol. 1. No. 27. 2022.
13. Янгибаев А., Махмудов И. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги роли //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 119-122.